


ЖАЛЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 август, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 156 (1158)

ИСТИҚБОЛ НАСИМИ КЕЗИБ ЮРТ УЗРА, ДИЛЛАРГА ЭЗГУЛИК, ШОДЛИК УЛАШАР

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

14 август куни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси жаноб Со Кон Ини унинг илтимосига биноан қабул қилди. Илик дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Корея парламенти делегациясининг республикага бўлажак ташрифи масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ИСТИҚБОЛНИ АНИҚ КЎРИШ УЧУН

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика Президентининг Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 29 июлдаги мажлисида ўртага қўйган вазифалар муҳофизат қилинди.

Хайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаларининг, туманлар ва шаҳарлар иқтисодий ташкилотларининг мувофиқлаштириш ва статистика бўлимла-



Бугунги кунда Қизилтепа туман пахтазорларида иш қилиш. Маъжуд 9 минг 245 гектар хўжалиқларнинг барчасида гўзал чиллик ниҳосига етказилди. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган маъжуд хўжалиқларнинг барчасида гўзал чиллик ниҳосига етказилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРАЛИГИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БЎЛИМЛАРИНИ ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор механизмларини ташқи иқтисодий алоқалар тизимига жорий этишни жадаллаштириш ва ташқи савдо эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Ўзташқитранс» хўжалик ҳисобидagi давлат ташқи савдо бирлашмалари, «Марказсаноатэкспорт» хўжалик ҳисобидagi республика ташқи савдо фирмаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Ўрта Осиё транс» хўжалик ҳисобидagi республика ташқи иқтисодий транспорт-экспедиторлик компанияси айна ўша номлар билан очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклидаги давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан

ҚУРҒОҚЧИЛ минтақаларда ерларнинг чўлга айланиб бориши ёки танназулга юз тушибдек долзарб экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммо ўзининг оқибат натижаларини назардан ўтказишнинг аҳамияти катта бўлади.

Бугунги кунга келиб ушбу муаммо ечим билан бутунжапон ҳамжамияти шуғулланмоқда. Утган йили БМТ раҳбарлигида ерларнинг чўлга айланишига қарши кураш юзасидан Конвенция қабул қилинди. Унинг асосий вазифаларидан бири тупроқнинг умумдорлигини ошириш, ер ва сув ресурсларини асраш ва оқилона фойдаланиш масалаларида халқаро ҳамкорлик ва шерикчиликни фойдаланишдир.

Мамлакатимиз ҳукумати ушбу Конвенцияга имзо чекди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида тасдиқлаш режаланмоқда.

Ерларнинг чўлга айланиб бориши Конвенция контекстида нимага аниқланиши? Дунёда ва бевоқифа Ўзбекистонда бу борадаги аҳоли қандай? Жамоатчи муҳиримиз Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофизат қилиш давлат қўмитасининг ер назорати бош бошқармаси бошлиғи В. САВЕЛЛОГА ана шу саволлар билан мураккаб эди.

— Владимир Леонидович, суҳбатимиз аввалида ушбу муҳим халқаро ҳужжатдан ўрин олган «ер», «танназул», «чўлга айланиб бориши» каби сузларнинг мазмун-моҳияти ҳусусида тўлиқча берсангиз.

— «Ер» дан бошлаш қолайлик. У — тупроқ, маҳаллий сув ресурслари, ўт-ўлан ёки қишлоқ хўжалик экинлари. «Танназул» эса — ер, сув ва биологик ресурсларнинг потенциалларининг қисқариши. Бу хол сув ва шомол-эрозияси, табиий ўт-ўланлар хилма-хиллигининг намойиши, шунингдек, шўрланмиш оқибатда юз беради.

Ернинг чўлга айланиб бориши аломатлари ҳам хилма-хил. Бу — аввало, ҳосилдорликнинг камайиши ёки экиннинг уммаслиги, ўт-ўлан, яйловлар бой массаси ва сув ресурсларининг камайиши, кум босиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши ва бошқалар.

Хозир мана шу «касалик»лар дунёнинг 3.590 миллион гектар ҳудудини эгаллаган қургўқчил минтақаларда намойён бўлмоқда. Ва у жаҳон

лик давомида республикада яйловларнинг озқу манбаи қарийб тўртдан бир қисмига, Нарвой вилояти ва Қорақалпоғистонда эса ундан ҳам кўпроқ камайди.

Сугориладиган ерларимизнинг қарийб тўртдан бир қисми кучли ва ўрта даражада шўрлангани ҳам ташвишли ҳолдир, албатта.

Бизда ўрмонлар оз. Уларни қўпайтириш ва асраш том маънода ҳаётий масала. Лекин, ган дехқончилик иллатлардан холи ривожлангани йўқ. У ерларнинг чўлга айланиши борасида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг асосийси ҳаммага маълум. Бу — Орол денгизининг қуриши ва Оролбўйи ерларнинг чўлга айланиб бориши жараёнининг тезлашишидир.

Ҳаммаишга маълумки, ҳозир Оролбўйида аҳолини яроқли ичимлик сув билан таъминлаш, ижтимоий турмуш шароитини, соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш борасида анча ишлар қилинган. Орол муаммосини эса жаҳон ҳамжамиятининг ёрдамида курашмоғимиз лозим. Шу билан бир вақтда Конвенция халқаро куч-гайратларини бирлаштиришни, саъй-харакатларнинг миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутди. Ривожланган мамлакатлар (уларга қўшилган) мамлакатлар илмий-техник соҳада ҳамкорлик қилиши, ахборотлар алмасиши, кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш борасида ривожланган мамлакатлар кўмағига умид боғлашлари мумкин.

Ерларнинг чўлга айланиб боришига қарши кураш муаммосини ҳал этишга оид миллий дастурни ишлаб чиқишда бир катор лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотларнинг 70-80-йилларда тайёрлаган материалларидан ҳам, шунингдек, амалий натижалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Яйловлардан комплекс фойдаланиш, эрозияга қарши тадбирлар, кум қучишни тўхтатиш ва ерларни ўзлаштириш шомаларининг жорий этиш шўлар жумласидандир.

Ушбу миллий дастурни тайёрлаш мамлакатнинг ҳам бугунги, ҳам келажак авлодлари учун энг яхши соғва, улканиз табиатининг ноёб бойликлари ва гузаллигини асраш қилишнинг мустаҳкам гарови бўлур эди.

В. КИРЧЕВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРГА

Марказий Осиёнинг уч давлати таърифидаги гўзал Ўзбекистоннинг мусаффо осмонидан Қозғистон пойтахтига учиб боришдан бошламоқдаман. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентини ва халқига самимий салом ва энг яхши истакларини йўлайман.

Сизнинг мамлакатингизга яқинда қилган ташрифим яхши эсимда. Шу боис жаноб Президент, Сизга мустаҳкам сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва узок умр, дўст Ўзбекистонинг ажойиб халқига эса равақ ва фаровонлик тилайман.

Тансу ЧИЛПЕР,
Туркия Бош вазيري.

1995 йил 14 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКА БОҒДОРЧИЛИГИ ВА УЗУМЧИЛИГИДА ИЛМ-ФАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий бўлимларнинг тадқиқотларини ташқи этишгаги ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг мустақилликларини ошириш, юқори пировард натижаларга эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Р. Шредер номидagi боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг Р. Шредер номидagi илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясини ҳузурида боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ер фонд ҳудудининг ихтилатиш ва шаклланиш ишлаб чиқариш ихтисослашув корпорацияси учун сақлаб қолинсин.

2. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бўлипларининг жамоа хўжалиқлари ҳамда нодавлат шаклларида айлантиришга доир ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

Корпорацияга Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 7 январдаги қарори 1-бандининг хўжалиқларининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкни меҳнат жамояларининг мулки қилиб текин бериш ҳақидаги қисмининг амал қилиши жорий этилсин.

3. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг таркибига ва унинг ижрония аппарати тузилмасига розлик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг

Илмий муассасалар ва экспериментал хўжалиқларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади. Корпорация таркибига кирувчи муассасалар ва хўжалиқлар хўжалик мустақилликларини бир ой муддатда боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бўлипларининг умумийлиги асосида идоратий бўйсундириш ва мулкчилик шаклларида қатъий назар бошқа ташкилотлар ва муассасалар ҳам ихтиёрий равишда кириштириш мумкин.

Корпорация аъзолари билан келишган ҳолда илм-фан ва эришилган ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг марказлаштирилган фондлари, шунингдек, суғурта, захира ва бошқа фондларни ташкил қилсин.

4. Қўйлагилар илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг асосий вазифаларини этиб белгилансин:

илмий тадқиқотларнинг даражасини ошириш, мевали усимликлар ва узумларнинг юқори маҳсулди янги навларини яратиш, боғдорчиликда, узумчилик ва виночиликда самарали технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

илмий ҳодимлар, мутахассислар ва ҳодимларнинг меҳнатини уларнинг илм-фанга ва амалиётга қўшаётган аниқ ҳиссаларига боғлиқ равишда рағбатлантириш;

илмий тадқиқотлар соҳасида хорижий мамлакатлар билан кооперация қилиш ва илмий тадқиқотлар ишланмаларини жорий этиш.

5. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси давлат дастури бўйича бажариладиган илмий тадқиқотларини, халқат қилиришни ва илмий муассасалардаги болалар болчаларини бюджетдан маблағ билан таъминлашни илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида сақлаб қолсин.

6. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси, давлат вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда бир ой муддатда корпорация уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йил 28 сентябрдаги 620-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Маъжур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дехқончилик сановати маъмури бўлимига юкталсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 август.

ЕР-ҲАЁТ МАНБАИ, У ЧЎЛГА АЙЛАНМАСИН!



Табиатнинг нодир бойликларини асраш учун миллий дастур зарур

2 миллион гектар ердан маҳрум этиб бормоқда.

— Ўзбекистондаги аҳоли қандай?

— Бизнинг халқ хўжалигинингизда 28,1 миллион гектар ердан фойдаланилади, бу бутун мамлакат ҳудудининг учдан икки қисмига тенг. Шундан 23 миллион гектари — яйлов (асосан чўллар). Сугориладиган ерлар унча кўп эмас. Бу халқнинг, жамиятнинг катта ва бебаҳо бойлиғидир. Бирок, афсуски, у камайиб борапти. Хўш, нима сабабдан? Қургўқчил минтақаларимиздаги иқлим шароити ва устига-устак одамларнинг масъулиятсизларча пала-партиш фаолияти бунга зомин бўлапти. Оқибатда ер эрозияга учрамоқда, шўрланмоқда, яйловлар танназулга юз тутмоқда.

Қорақалпоғистонда, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида шомол эрозияси дехқончиликка озмуҳта зарар етказиб берибди. Лалми ерларда унинг таскири бироз қуцисроқ. Сурхондарё вилоятида эса сугориладиган ерларнинг анчагина қисми сув эрозиясига учраган. «Ўзгирозем» институтининг маълумотларига қараганда, кейинги бир ярим-икки ўн йил-

афсуски, айрим кишиларнинг ўйламай-нотмай, фақат ўз манфаатларини қўлашлари оқибатда кўплаб арчазорлар кесилиб кетди.

Кум қучишни тўхтатиш борасида анчагина тажриба тўпланган, ammo уни фан ва амалиётда эришилган ютуқларини ишлаб чиқишга олган ҳолда тақомиллаштириш зарур.

— Сирасини айтганда, ерларнинг чўлга айланиб боришига қарши кураш муаммоси Ўзбекистон учун янгилик эмас...

— Тўғри, ерларга сув чиқариш, янги лалми-ўтлоқ ерларни ўзлаштириш учун кураш мазмун-моҳияти жиҳатидан ерларнинг чўлга айланишига қарши кураш чорасидир. Бу борадаги ишлар кўлами беқисс. Республикада сугориладиган ерлар майдони кейинги 35 йил ичиди 1,7 баравар кенгайди. Бундан ташқари шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, шу давр ичиди аҳоли сони 2,7 баравар кўпайди. Бизда ўзимизнинг сув ресурсларимиз муаммоси янада ўткирлашиб бормоқда. Уни ҳамма ерда — қишлоқда ҳам, сановатда ҳам, кўндалик рўзгорда ҳам тежаш, оқилона фойдаланиш керак.

Афсуски, бизда сугорилади-

Тарихингиз минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим

Ҳадис имлоининг султони, буюк ватандошимиз имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ҳаёти ва ижоди-га бағишланган арабий бир асарни ўзбек тилига таржимма қилиш жараёнида ўрта асрларда ёзилган кўп манбаларга мурожаат қилишга тўғри келди.

Мана шу аснода «Тарихи Бухоро» деган асар яратган асли бухоролик Фунжор исми бир муаллиф диққатимизни унга торти. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, асосан, араб манбаларида бир талай маълумотлар келтирилиб ўтилган. Унда таъкидланганича, азалдан илм-фан, маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлган Бухоро-шарифда Фунжор исми икки машҳур шахс ўтган. Улардан бири ибн Мусо ат-Таймий Фунжор бўлиб, у ҳақида Х асрда яшаган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959) ўзининг «Бухоро тарихи» номи асарида баъзи маълумотлар келтириб ўтади. Бу қимматли асарнинг арабча асл нусхаси бизга етиб келмаган. Унинг бир неча марта таърих эитилган форса нусхаси марҳум устоз Абдуфаттоҳ Расулов томонидан ўзбекчага ағдариллиб 1966 йилда Тошкентда нашр этилган. Асарнинг «Бухорода қозил қилган кишилар ҳақида» деб номланган иккинчи бобида Фунжор ҳақида шундай маълумотлар берилган: «Фунжор номи билан машҳур бўлган раъатли Исо ибн Мусо ат-Таймийга қозилкини берган эди, у қабул қилмади. Султон унга агар қозил қилмасангиз бирор кишини ташлагин, биз қозилкини ўшанга берайлик деган эди, буни ҳам қабул қилмади. Султон қозилка лойиқ кишилар номи унинг олдига бирма-бир айтилган, деб буюрди; шундай қилдилар, аммо унинг олдига қимнинг исмини айтмасинлар у лойиқ эмас деб берди ва ниҳоят Ҳасан ибн Усмон Ҳамдонийнинг номини тилга олганларидан сукут қилди. Сукут розилқиб лебиларди, қозилкини Ҳасан ибн Усмон Ҳамдонийга бердилар. Унинг замонида Хуросон шаҳарларида илм ва тақводорликда унга тенгашаган ҳеч бир кишини кўрса олмаганлар... Исо ибн Мусо ат-Таймий ўз даврида катта нуфузга эга, Султон наздида энг эътиборли аъёнлардан бири бўлганлиги шу маълумотлардан ҳам кўриниб турибди. Араб тарихчиси Ибн-Али ибн-Асир ал-Жазирининг (1160-1234) ёзишича, аслида Фунжор исми икки муҳаддис бўлиб, улардан биринчиси Абу Аҳмад ибн Мусо ат-Таймий (Таймийларнинг маълумоти асли Курайшлардан бўлиб, у Фунжор лақаби билан машҳур бўлган экан), унинг икки юзи

қип-қизил бўлганлигидан шундай (Фунжор)лақаб олган. У Бухоро аҳлидан бўлиб етук олим, фозил ва ҳақгўй инсон саналган. Мақоламизнинг асосий мавзуси бўлган иккинчи Фунжор исми инсон эса Мовароуннахрнинг кўза кўрилган муҳаддисларидан бири бўлиб, унинг тулиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Бакр ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Бухорийдир. Унинг Фунжор деб аталишининг сабаби юқоридики зикр қилганидек Исо ибн Мусо ат-Таймий Фунжор келтирган ҳадисларни чуқур ўргангани сабабидан шундай лақаб билан атаганлар. Фунжор ҳам асосан ҳадисларни тўплаш билан шуғулланиб Абу Салих Халлаф ибн Муҳаммад ал-Ҳайём, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Саҳл ибн Усмон ас-Суллами, Абу Убайд Аҳмад ибн Урва ал-Кармийний, Муҳаммад ибн Ҳафса ибн Аслам, Иброҳим ибн Хорун ал-Мулоҳимий, ал-Ҳасан ибн Юсуф ибн Якуб ва бошқалардан ҳадислар ўрганган. У кўп муҳаддислардан фарқли ўлароқ ҳадис ўрганиш учун хорижий юртларга сафар қилмаган ва 412 ҳижрий (1021 мелодий) йилда Бухорода вафот этган.

Унинг қаламига мансуб «Тарихи Бухоро» (Бухоро тарихи) асари ўз даврининг муҳим манбаси сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. Шу билан ҳам урта аср манбаларида Фунжор асаридан унумли фойдаланилган. Айниқса, Фунжордан элик йил кейин вафот этган ироқлик машҳур тарихчи ал-Ҳатиб ал-Бағдодий (1002-1071) ўзининг «Тарихи Бағдод» номлик ўн ўрт жилдан иборат йирик асарида Фунжорнинг «Тарихи Бухоро» китобидан кўп ўринларда фойдаланган.

Араб тарихчилардан Шамсудин аз-Заҳабий (1274-1348) «Сийар аълом ан-Нубало» (Машҳур аллолар сийратлари), Тождунин Ас-Субкий (1327-1370), «Ат-Табоқот аз-Шофийийа ал-Кубро», Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372-1449) «Муқаддима Фатҳ ал-Борий» ва бошқа асарларида Фунжорнинг «Бухоро тарихи» асаридан кенг фойдаланган. Фикримизнинг далили сифатида бир қанча мисоллар келтирмамиз. Тарихчи Шамсудин аз-Заҳабий «Сийар аълом ан-Нубало» асарининг 17-жилдида Фунжор ҳаёти ва ижоди ҳақида, 12-жилдида эса имом Фунжор «Тарихи Бухоро» асарида қатор ровийларга таъниб имом ал-Бухорийнинг «Мен минг, балки ундан ҳам кўп шайхлардан ҳадислар ёзиб олдим, уларнинг ҳар биридан ўн минглаб ҳадис эшитганман, менинг асаримга исноди келтирилмаган бирорта ҳам ҳадис кирмаган» деган фикрни келтиради. Яна имом ал-Бухорийнинг «Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср аҳлидан мингдан ортиқ ривоятлар эшитиб, сонсиз-санокис мулоқотда бўлганман. Шом, Миср ал-Ҳазирада икки марта, Басрада тўрт марта, Бухорода олти йил яшадим, ал-Куфа ва Бағдодда неча марта борганимни ҳисобини ҳам билмайман» деган гапини ҳам Фунжор асаридан кўчириб олиб келтирган. Ёки яна бир ўринда Фунжорнинг «Қунлардан бирида имом ал-Бухорий Хуфтон номини ўқитганида бир ари уни етти марта чақиб олганди. Аллома номини тутатган, ёнидагиларга қарангларки инимдир менга бироз берганди бўлдимми?» деган сўзларини келтирган. Ал-Заҳабий асаридан булардан бошқа имом ал-Бухорийга бағишланган ёзилган замонвий тадқиқотлардан ҳам юқоридики зикр этилган арабий манбаларга таъниб Фунжор маълумотларидан фойдаланилади.

Шулардан кўриниб турибдики, бухоролик етук олим Фунжорнинг «Бухоро тарихи» асари ўз даврининг ишончли манбаларидан бири сифатида ўрта асрларда кенг танилган. Лекин афсуски, мана шундай қимматли асарнинг бизга етиб келмаганлиги ҳақида узилик фикр айтиш қийин. Ҳар ҳолда бизга маълум фикрлар ва каталогларда ҳозирча бу ҳақида аниқ бир маълумот учрата олмадик. Эҳтимол жаҳоннинг кўл-ёзмалик сакланган музейларида асарнинг бирор ёки бир неча асл қўлёзма нусхаси ҳеч бўлмаганда бошқа тиллардагиси сакланган қолгандир.

Убайдулла УВАТОВ, Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институтига катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.



«БУХОРО ТАРИХИ» ТОПИЛАРМИКИН?

15 август — Жанубий Корея Республикаси мустақиллиги куни



Жанубий Корея Республикаси жаҳондаги иқтисодий жихатдан тараққий этган йирик давлатлардан бири саналади. Кореянинг «Осиёдаги тўрт аждаҳо»нинг бири деб аталгани ҳам беэҳтирам эмас. Негаки, ҳозирда ушбу мамлакат иқтисодий ва маданий юксалиши билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига қаратмоқда. Шу кунларда эса Жанубий Корея халқи ўз миллий мустақиллик байрамини катта шодоналик билан нишонламоқда. Шу муносабат билан муҳаббаримиз Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фахруллода ва муҳтор элчиси Со Кон И билан сўхбатламиз.

— Жаноб элчи, мустақилликка эришган ҳар бир давлат даялаб маълум бир қийинчиликларга дуч келиши, табиий. Аммо, Жанубий Корея бу қийинчиликларни тезда енгиб, саноати ривожланган мамлакатлар қаторидан мустақкам жой олди. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатингизда кечган мана шу тарихий жараёнлар ҳусусида қисқача гапириб берайсиз?

— Аввало шунини айтиш керакки, 1910-1945 йилларда Корея халқи Япония мустақиллашчилари ҳукмронлиги даврини бошдан кечирди. Фақат иккинчи жаҳон урушидан кейингина халқимиз япон мустақиллашчилардан озод бўлиб, мустақилликка эришди. Тўғри, ўша вақтда мамлакат иқтисодий тиздан чиққан, аҳолининг турмуш даражаси жуда паст эди. Шунинг учун ҳам, мустақилликнинг илк йиллари фойга оғир келди. Ҳуқумат раҳбарлари таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, алоқа ва коммуникация хизматларида, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бурилиш ясаб, мамлакатни атрав ўлкадан саноати ривожланган давлатга айлантириш борасида бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Айтиш жоизки, мамлакатда давлат бош ислототи бўлганлиги ва миллий кадрларни ўқитишга катта эътибор қаратилганили ўз самарасини берди. Аммо 80-йиллар охирига келиб мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари сусая бошлади. Мам-

ла самарали ишлар қилмоқдалар. Лекин биз бу ҳамкорлик алоқаларини бошлангиз даври деб ҳисоблаймиз. Негаки, ҳали яна бир қатор истиқболли йўналишлар мавжуд. Жумладан, қурилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва катта бизнесини бошқа доираларидан ҳам ўзаро манфаатли имкониятлар бор. Аминманки, ушбу имкониятлар ҳам амалга ошириб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларимиз янада чуқурлашади.

— Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ислохотларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон қисқа фурсатларда жаҳоннинг энг йирик ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишининг амалий имкониятига эга бўлган давлатдир. Мамлакатингиз табиий ресурсларга жуда бой. Шунинг ўзи республикангизнинг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб турибди. Энг муҳими эса, Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ўз олдига пухта ва аниқ мақсадлар қўйган ҳолда уларни босқичма-босқич амалга оширишни режалаштирган. Айниқса, мамлакатингизда миллий валюта ни мустақкамлаш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, ҳусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва кичик ҳусусий корхоналар барпо этиш йўлида қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирда чет эллардаги етакчи фирма, компания ва йирик саноат корхоналарининг республикангизга бўлган қизиқиши катта. Чунки Ўзбекистонда сармоя киритилишини рағбатлантирадиган ҳуқуқий база мавжуд. Шу боис ҳам мен, ҳолис бир киши сифатида мамлакатингизга кечаётган иқтисодий ислохотларни юсак баҳо-



СО КОН И: ҲАМКОРЛИГИМИЗ ОЛИС ЎТМИШДАН БОШЛАНГАН

маҳсулот ҳажми 2,3 дан 294,5 миллиард долларга ўсди. Ялпи миллий маҳсулотнинг мамлакат аҳоли жон бошига ҳиссаси эса 82 доллардан 7466 АҚШ доллари миқдорига етди. Ҳозирда бу кўрсаткич 10 минг доллар ташкил қилмоқда. Айни вақтда Корея автомобилсозлик, электроника, кимё, кемасозлик соҳаларида дунёда етакчи ўринга чиқиб олди. Шунингдек, мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликларнинг истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алоқалар узоқ йиллик тарихга эга. Кўҳна Афросиёб топилмаларининг гувоҳлик беришича, икки халқ орасидаги алоқалар эрамининг VII асрларида ҳам мавжуд бўлган экан. Тарихдан маълумки, кейинчалик бундай алоқалар асрлар давомида узилиб қолган эди. Мақлакатингиз истиқлолга эришгач эса, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар та-

зиденти Ислам Каримовнинг шу йил февраль ойидаги Кореяга сафари катта тарихий воқеа бўлди. Чунки бу таширфлар самараси ўлароқ, бир неча ҳужжатлар имзоланди. Бугунги кунда имзоланган ушбу ҳужжатлар икки давлат ўртасида иқтисодий ва техник ҳамкорлик ривожига ҳамда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун хизмат қилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш керакки, Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган Ўзбекистон билан узоқ муздатили ва ишончли ҳамкорлик ўрнатилиши биз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу билан ҳам, Жанубий Корея ишбилмонлари Ўзбекистондаги имкониятларни биринчилардан бўлиб англаб етди ва МДҲ давлатлари орасида энг кўп сармояни мамлакатингиз иқтисодиётига киритишга ҳаракат қилдилар. «УдЭУавто», «УдЭУэлектроника» каби 20 га яқин Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари фойдалиқ кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, электроника ва энгил саноат соҳаларини ривожлантириш бораси-

лайман. Мамнуният билан айтаманки, мамлакатингиз раҳбарияти амалга ошираётган иқтисодий йўналишлар билан бозор иқтисоди сиёсати Ўзбекистонни яқин келажақда муваффақиятларга эриштириши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи» муҳбири Фурқат САНАЕВ сўхбатлади.

Ташкилот қуйидагиларни сотади: 60 вт, 100 вт, ДРЛ-125, 250, 400 чўғланма лампалар, ЛБ-22, 30, 40 лампалари, Минск-215 совутичи, турли шаклдаги ёриткичлар, зирхланган сантехника шланглари, консервалаш учун қопқоқлар, ҳар хил нарсалар пишириш учун қолиплар, Д-15 газ жўмрақлари, бир ва икки розжокли горелкалар, подшибниклар. Телефонлар: 68-69-62, 68-69-63.

Ташкилот таъмир қилади: 1. "SINO-303" совутичлари; 2. "Семур" телевизорлари; 3. 386, 486 DX компьютерлари; 4. "PANASONIC"- 130, 230, 500, 700 телефакслари; 5. "CANON"-300, 310, 320, 330, 1215 ксерокслари; 6. "DAEWOO" кўшвидеолар; 7. Телефон аппаратлари; 8. Калькуляторлар; 9. ТБК ларни арматуралаш учун симлар; 10. Биллур буюмлар, қандиллар; 11. Индан тўқиш учун 4-5 мм. симлар; 12. Пахта учун бондаж (қуллоб) лар; 13. Комбинезонлар, қўлқоплар; 14. Идора товарлари; 15. Вентилляторлар; 16. 60-100 чўғланма лампалар; 17. БК-1800, БК-2300 кондиционерлари; 18. ДРЛ-400 лампалари. Телефонлар: 72-98-17, 79-47-74. Манзили: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 100.

Диққат аукцион! Қибрай тумани ҳокимияти ва вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қуватлаш бошқармаси. Ким ошди савдосини ўтказад: Савдога тақдим қилинади. Уй-жой қуриш ва ҳусусий ёрдамчи хўжалик юртлиги учун ер участкалари. № Уй участкасининг манзили Ер участкалари сони Бир участканинг сатхи 1 кв/м Бошлангич нархи сўм

Покистоннинг "Амбер Энтрепрайзес" фирмаси нархи арзонлаштирилган халқ истисмоли молларини 25 Фоиш сийови билан тақлиф этади. Чакана ва улгуржи савдо қилинади. Пул ўтказиш йўли билан ҳам харид қилиш мумкин. Дўконларимизга МАРХАМАНИ! Дўконларнинг манзиллари: Навоий кўчаси, Марказий телеграф қаршисидаги савдо расталари, "Савдулло Ота" дўкони. Телефонлар: 44-65-38, 44-24-73. Фарҳод кўчаси, "Сони" ва "ДЭУ" дўконлари оралиғидаги савдо расталари, "Наврўз" дўкони. Телефон: 75-28-74. Мирзо Улугбек тумани, А. Тўқай кўчаси, Ц-2, "Болалар дунёси" дўкони.

Нархининг 15 фозини тўлаб, тайёр ускуналарни имтиёзли шартлар билан олиш имкониятига эга сиз! Ўраш-қадоклаш ускуналарни тажриба-конструкторлик бюроси тавсия этади: 1. саноат учун сабзавот майдалагичлар 1500 кг/соат; 2. вино, газли ичимлик, шарбатларни қуйиш ва тиқинлаш линиялари; 3. ёрлик ёпиштирувчи автоматлар; 4. инспекция-машиналар; 5. вино ва бошқа суюқликларни қуйиш учун марказдан қочма насослар; 6. қишлоқ хўжалик экинлари ва бошқа мўрт маҳсулотларни майдалайдиган қурилма. Узил-кесил тўлов тайёр маҳсулотни олганингиздан кейин икки ой очига амалга оширилади. Манзил: 700020, Тошкент, Бобур кўчаси, 77. Телефон: 55-16-11. Факс: (3712) 55-14-70.

• Врач маслаҳати

Сўнги йилларда экологикнинг бузилиши натижасида кўпайиб кетган касалликлар келиб чиқмоқда. Муаммолар туғилмоқда. Юрак қон томири туғилмаси касаллиги нафақат кекса ва ўрта ёшдагилар балки ёшлар орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, кўпинча фожиага олиб келмоқда.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — юрак-қон томирлари касалликларига қарши кураш, унинг олдини олишдир. Юрак-қон томир касалликлари орасида юракнинг ишемик касаллиги алоҳида ўрин тутди. Олимларнинг фикрича, бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда юракнинг ишемик касаллиги XX аср эпидемияси ҳисобланади. Касалликнинг келиб чиқиши асосан юрак мускулларининг старли миқдорда қон ҳамда ксилорид билан таъминланмаслигидандир. Бунга олиб келувчи муҳим сабаблардан бири юрак мускулларини қон билан таъминловчи тож томирларнинг атеросклероз касаллиги натижасида тораий қилинишидир. Атеросклероз секунда-аста ривожланувчи касаллик бўлиб, артерия қон томирларининг ички қавати ёғ моддалари, оқсил, ёғ бирикмалари ҳамда ҳар хил тузаланиш чўкиб қолиши натижасида келиб чиқади. Организмдаги орган, тўқималарда қоннинг етарли миқдорда айланishi учун соғлом юракнинг бир минутада 70-80 марта қисқариши ки-

фоя қилади. Юракнинг ўзи бошқа ички аъзоларга нис-



СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ ТЎҒРИ ЯШАШ ВА ИШЛАШНИ УРГАНИНГ

лардан юрак мускулларига зарур миқдордаги қон келиб тушмайди. Касалликнинг бошида жисмоний иш қилганда оғриқ пайдо бўлади, одатда оғриқ чап қўл, чап курак, бўйин, гаданга тарқалади. Агар одам юриб кетаётганда оғриқ пайдо бўлса, тўхташи билан босилади. Кўкрак қисми аксари кечаси хуруж қилиб, юрак қаттиқ оғрийд. Юрак мускулида некроз бўлиши касалликнинг энг оғир тури ҳисобланади. Бундай пайтда юрак артерияларидан бўлади. Бунда беморлар оғриқдан ташқари кўнгил айнишидан қайди қилишдан, ҳаёо етишмаслигидан, нафас бўғилишидан, ҳарсиллашдан шикоят қиладилар. Юзани совуқ тер босади, юзлари, лаблари кўкариб кетади. Томир уриши тезлашиб, қон босими пасаяди. Шунинг учун юракда оғриқ пайдо бўлиш билан дарров «тез ёрдам»ни чақирин зарур. Юрак касаллигининг келиб чиқишига юқори калорияли, холестеринга, ёғ моддаларига бой таомларни кўп

берида тромбоз пайдо бўлади, яъни шу жойда қон тилқилиб қолиши натижасида юрак мускули некрозга учрайди. Кўпинча беморлар юракнинг мижғиб оғришидан, юракнинг найза санчилигидек, қизиган темир босгандек ёки парма билан ташаётгандек оғришидан шикоят қиладилар. Оғриқ тўш остига тарқалади, оғриқ кучайган вақтда у чап елкага, қўлга, баъзан бўйинга ёки пастик жага тарқалади. Айрим ҳолларда қўл увишади. Оғриқ кечаси ёки саҳарга яқин пайдо бўлади, у одатда кўкрак қафасининг пастик қисмида, ўртасида, баъзан чапида, меълада ҳам пайдо

ишемол қилиш ҳам сабабчидир. Организмда моддалар алмашинуви бузилиб қон таркибиде холестерин, триглицеридлар, ёғ оқсил бирикмалари (липопротеидлар, углеводлар (глюкоза) каби моддалар алмашувидаги оралик маҳсулотлар кўпайиб кетади. Натижада атеросклероз, қандли диабет каби касалликлар ривожланиб, улар юрак ишемик касаллини келтириб чиқаради. Чекиш ҳам маъзур касалликнинг туғилишига «қўмақлашувчи» омиллардандир. Тамаки тутини таркибиде никотиндан ташқари, ис газиде, водород, цианид, азот оксидлари каби ўта захарли моддалар бор. Бир неча сигаретни кетма-кет чеккандан кейин юрак текшириб кўриласа, унинг тез ураётгани яққон намоён бўлади. Юрак тамакидан захарланиб зўр бериб ишлаши натижасида чарчайди, қувватдан кетади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш нерв системаси фаолиятини издан чиқаради, бу эса неврозга олиб келади. Шунинг учун ҳам чекувчи кишилар орасида чекмайдиганларга қараганда ишемик касаллик бир неча бор кўп. Турли сабабларга кўра ўта асабийлашишлар, етарлича дам олмаслик, зўриқиб ишлаш ҳам кишиларда артерия қон босимининг ошиб кетишига ва юрак ишемик касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади. Тиббиёт ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан бири мамлакатимизда яшовчи барча соғлом кишиларни профилактик текширишдан ўтказиш ва касалликнинг яширин шакллари аниқлаш, қатъий диспансер назоратини ўрнатишдир. Юрак касаллигига дучор бўлган беморлар овқатни озоздан истеъмол қилишлари, семирб кетишга мойил кишилар бунга, айниқса, амал қилишлари зарур. Уларга ҳафтада бир, ёки икки марта енгиллатуви «юк ташлаш» кунлари тавсия этилади. Чунончи, кунда олма, картошка ёки лаваги истеъмол қилинади. Булар организмда оқсил моддаларнинг парчаланишини камайтиради. Хуллас, соғлиқни сақлаш аввало ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ.

Темур ЖАЛОЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Автомобилдор хўжаликлари ва саноат корхоналари раҳбалари диққатига! Тошкент тажриба-шлаб чиқариш корхонаси (ТТИК) да тайёрланган, ейилишга қарши трансмисия ёғи ва консистент мойларга қўшилидиган "Резерв" қопламаси: Қимирлаб турувчи подшипниклар ресурсини 4 барабаргача оширади; Редуктор ва трансмисия қисмларининг ейилишини 2 барабардан зиёдроқ камайтиради; Резинали зичлагичларнинг ишлаш мuddатини 4-5 барабар узайтиради; Мойлаш ашёларидан фойдаланиш мuddатини икки барабар узайтиради. Бизнинг ёрдимимиз (маслаҳат ва техник хужжатларимиз) билан мавжуд техникаларингизнинг ҳамма резервларидан тўла фойдаланинг! БИЗНИНГ МАНЗИЛИ: 700069, Тошкент, Фалаба кўчаси, 1. Телефон: (3712) 48-15-03, "САНИИРИ" илмий-шлаб чиқариш бирлашмасининг ТТИК си.

ТАШКИПОТ ОМБОРЛАРДАН СОТАДИ: Муфель печи (камерали қаршилиқ электр печи) СНО 3х6х2/ЮИ2-4364. Гидроқум пурақайдиган тозалаш камераси. Токарлик дастгоҳи-ЧПУ-1 БА2003039 билан. Трансформаторлар ГСЗЛ 10/100 ква, ТС34-10/100 ква, НОМ10/16, ТМ 10/100 ква. КСО-272 камераси. Изоляторлар, исканжалар, скобалар, исирғалар, ВЛ 35-220 кв, учун тутқичлар. Турли русумдаги электр двигателлар. 20/5 тонна юк кўтарадиган, оралиғи 22,5 метри кўприкли кран. Юклагичлар учун илгалар. УзЭТМ 4/6 экскаватори. 150-400 мм.ли. арматура зулфин. Йирик қорамоллар сут фермаси ускуналари. Ёй-стартер билан уланадиган бурама пресс. БИЗНИНГ НАРХЛАР БОЗОР БАҲОСИДАН 30 ФОНЗ АРЗОН. Маълумот учун телефон: 8-266, /Ангрен коди/ 3-28-65.

Мададталаб мактублар УЙ ЎРНИГА... Сизларга уруш инсори, кўч-сувватдан қолсаи хани сифатида муросат қиланман. Қариндошдан кейин осмон зарф — ер қаттиқ бўлиб қолар экан. Бунинг устига эски эсиродлар аёвсиз оғриқ бериб, қўл уятувдек жойга ҳам бориши мумкин.

1992 йилнинг бошларида жамоа бошқаруви Қирққиз массивида янги уй-жойлар қурилатганини бунинг учун хоҳловчилар 3 минг сўм тўлашлари мумкинлигини маълум қилди. Менга ҳам уруш қатнашчиси сифатида имконият берилди. Кейинчалик раис Ҳақбердиев «7-уй берилсин», деган қарор ҳам қабул қилди. Янги уйнинг калитини кутиб юравердим, бироқ ундан дарак бўлмади. Мен қатори пул тўлаганлар уйга эгалик қилиб, томорқасининг ҳосилидан ҳам баҳраманд бўлишди. Мурожатларимга эса ҳеч ким парво қилмади. Ҳатто туман ҳокими Рашид Бозоров қабулида ҳам бўлиб аҳволни тушунтирдим. У киши «телефонда айтишини» маълум қилишдан бошқа ёрдам кўрсата олмади. Бу орада бошқарув раиси ҳам ўзгарди. Яқинда небир азоб билан идолага бориб, мендан пулни қабул қилиб олган бош ҳисобчига учрашдим. Ҳурсанд Саодатов ҳеч андиша қилиб ўтирмай сизга уй тегмайди, хоҳласангиз пулингизни қайтариб олишингиз мумкин», деб жавоб берди. Мен ганиб қолдим. Наҳотки, 3 ярим йил кутиб, уйсиз қолсам. Бу қайси инсоф тавозиси билан ўлчанади? Жаббор РАҲИМОВ, Қашқадарё вилает, Қамани туманидаги «Чим» хўжалиги, II гуруҳ инсори.

«Пахтакор-79»

Бу йил 15-март уйналган «Пахтакор» командаси хотира турнирида биринчи марта Жиззахнинг «Сўғдиёна» командаси футболчилари голиб бўлди.

Республика футбол федерацияси 1979 йилда пахтакорчилар сафида ҳалок бўлган энг ёш уйинчи — Сирожиддин Бозоровнинг юрти Самарқанд вилаети Нарпай туманида ўтгадиган хотира турнирининг финал мусобақаларига ҳар томонлама жиддий тайёрлик кўрди. 10 август кун федерация қароргоҳида бундан 16 йил муқаллам Днепрпетровск осмонда авиация ҳалокатига учраган футболчиларнинг қариндош-уруғлари йиғилдилар. Тўпланганлар ҳеч қандай тантаналарсиз «Пахтакор» марказий стадионига таширф буюриб, фарзандлари хоғирасига ўрнатилган ёлгорлик олдида ўз эҳтиромларини изҳор этдилар. Сунтра улар қора мрамрлар билан қопланган қабрлар бошига қадам ранжиде қилишди. Шундан кейин аллақачон аънамага айланган ўзбек футболининг

вой номли колхоз худудида туғилган эди. Ҳозир унинг номи билан аталувчи 35-мактабда биринчи синфга борди. Футбол уйнашнинг машини ҳам шу ерда олади. Бир неча йил ўтгандан кейин эса Тошкентдаги ҳозир Олимпия заҳиралари деб аталувчи спорт мактаб-интернатининг футбол йўналиши бўйича ўқшга қабул қилинди, кейин «Пахтакорга» таклиф этилди. 11 август кун эрталаб нарпайликлар хўрматли меҳмонларни ўз туманлари чегарасида тантанали кутиб олдилар. Уларни туман ҳокими С. Бобомуродов табриклади. Меҳмонлар учун «Пахтакор овози» туман рўномасининг пахтакорчилар ва ҳамюртлари Сирожиддин Бозоров хотирасига бағишланган мах-

Шу кун меҳмонлар Сирожиддин Бозоров дафн қилинган қабристонда бўлидилар, унинг хотирасига хонадонда ёзилган дастурхонга таширф буюрилди, соат 5 да эса стадионга йўл олишди. Уйингоҳда ҳақиқий спорт байрами уюштирилди. Айниқса, финал баҳси эсда қолашли бўлди. Дарвозалар олдида тез-тез хавфли вазиятлар юзага келиб турди. Наманганлик Батенков чап томондан тепган тўпга «Сўғдиёна» дарвозабони Абдухўжаев ултура олмади. Яқинда турган Ералиев эса уни дарвозага киритди. Эсанбоев тепадан келган тўпни маҳорат билан дарвозага йўллаб, ҳисобини танглаштирди. Фақат иккинчи таймда Самад Нарзиқулов киритган гол жаззалиқларга галаба келтирди. Шундай қилиб, Наманганнинг «Навоҳор» ва Жиззахнинг «Сўғдиёна» командалари ўртасидаги учрашув 1:2 ҳисобиде яқунланиб, соврин жаззалиқларга насиб этди. Таширф буюрган меҳмонлар орасида турли лавозим ва тоифадаги кишилар кўп эди. Жумладан, ҳозир «Пахтакор» командасига устозлик қилаётган Ханс Ферел ҳам талбирларда иштирок этди. Ундан «Сўғдиёна»нинг «Пахтакор» билан уйини олдида унинг тайёргарлигини кўргани келдингизми? — деб сўраганимизда, у: «Йўқ, биринчи навбатда ҳозир ўзим устозлик қилаётган команданинг ҳалок бўлган уйинчилари хотирасига инсоний хўрматини бажо келтиришни ўз бурчим деб билдим», деб айтди. Ва талбирлардан қаноат ҳосил қилганини билдириб, «Мабодео, командалар бундан ҳам яхшироқ тайёрланганда уйин яна ҳам қизиқарлироқ бўларди», деб ўз мунсабатини билдириди. Учрашув сўнгида асосий совриндан ташқари бошқа мукофотлар ҳам топширилди. Бунда пахтакорчиларнинг қариндош-уруғлари, уйин ташкилотчилари, учрашув «қаҳрамон»лари ҳам четда қолмади. С. ДАНИЛОВ, махсус мухбиримиз.

СОВРИН ЖИЗЗАХЛИКЛАРДА КЕТАДИ



ёрқин юлдузлари бўлиб қолган маркум пахтакорчилар хотираси учун таъсис этилган уйинга йўл олдилар. Ҳар йили хотира турнирининг финал белгилашлари қандай белгилашлари ишқибозларга маълум: ҳар сафар ҳалок бўлган бирор футболчининг ватанида голиблар аниқланади. Бу сафар йўл Самарқанд вилаетидаги Нарпай туманига тушди. Сирожиддин Бозоров 1961 йил 1 январда шу тумандаги Алишер На-

сус сони кутилмаган сова бўлди. Шундан кейин, мактабда митинг ташкил қилинди, бюстнинг очилиши бўлди. Сўзга чиққанлар орасида А. Навоий номли жамоа хўжалигининг раиси, Сирожиддинга ёлгорлик ўрнатилишида ташаббускор бўлган, олти йиллик раҳбарлиги давомида кўп болали оила Аҳмад ака Бозоровлар хонадонини бир зум ҳам эътибордан соқит қилмаган О. Шерназарова ҳам бор эди.

Яқинда турган Ералиев эса уни дарвозага киритди. Эсанбоев тепадан келган тўпни маҳорат билан дарвозага йўллаб, ҳисобини танглаштирди. Фақат иккинчи таймда Самад Нарзиқулов киритган гол жаззалиқларга галаба келтирди. Шундай қилиб, Наманганнинг «Навоҳор» ва Жиззахнинг «Сўғдиёна» командалари ўртасидаги учрашув 1:2 ҳисобиде яқунланиб, соврин жаззалиқларга насиб этди. Таширф буюрган меҳмонлар орасида турли лавозим ва тоифадаги кишилар кўп эди. Жумладан, ҳозир «Пахтакор» командасига устозлик қилаётган Ханс Ферел ҳам талбирларда иштирок этди. Ундан «Сўғдиёна»нинг «Пахтакор» билан уйини олдида унинг тайёргарлигини кўргани келдингизми? — деб сўраганимизда, у: «Йўқ, биринчи навбатда ҳозир ўзим устозлик қилаётган команданинг ҳалок бўлган уйинчилари хотирасига инсоний хўрматини бажо келтиришни ўз бурчим деб билдим», деб айтди. Ва талбирлардан қаноат ҳосил қилганини билдириб, «Мабодео, командалар бундан ҳам яхшироқ тайёрланганда уйин яна ҳам қизиқарлироқ бўларди», деб ўз мунсабатини билдириди. Учрашув сўнгида асосий совриндан ташқари бошқа мукофотлар ҳам топширилди. Бунда пахтакорчиларнинг қариндош-уруғлари, уйин ташкилотчилари, учрашув «қаҳрамон»лари ҳам четда қолмади. С. ДАНИЛОВ, махсус мухбиримиз.

«МУСҲАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ «МУСҲАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин. ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА АВТОМОБИЛААР, ТЕЛЕРАДИОАППАРАТУРАЛААР, МЕБЕЛЬ ТўПЛАМАЛАРИ, ЭЛЕКТРЖИҲОЗАЛААР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛААРИ ўЙНАЛАДИ. Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм. Лотерея билетларини Жамфарма банкнинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Жамфарма банкнинг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43. СИЗГА ОМАД ШИЛАЙМИЗИ! МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМФАРМА БАНКИ, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ўзбексавдо, ўзбекбирлашув

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Тўнги муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Наббатчи муҳаррир — К. Рихсиев. Наббатчи — Ф. Бобо Дуст.